

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16110526>

А.Шермухамедов

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида содир этилаётган жиноятчиликнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва криминологик хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий тизими, унинг мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларга хос белгилари, мотивацияси ва динамикаси илмий асосланган ҳолда ёритилган. Статистик маълумотларга кўра, охириги йилларда ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг камайиши кузатилган бўлса-да, умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ҳануз ҳам долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Мақолада жиноятчиликнинг асосий сабаблари сифатида оилавий муҳитнинг салбийлиги, тарбия тизимининг заифлиги, ижтимоий-иқтисодий омиллар, маданий-маънавий кўникмаларнинг етишмаслиги кўрсатиб ўтилган. Муаллиф А.И.Осонцев, К.Д.Воронкова, Д.З.Зиядова каби олимларнинг илмий қарашларига таяниб, мактаб ўқувчилари жиноятчилигини ювенал криминологиянинг мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганиш зарурлигини асослайди. Шунингдек, БМТнинг «Пекин қоидалари»даги халқаро стандартлар ва Ўзбекистон қонунчилигидаги ёшга оид ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинган. Мақолада профилактика чораларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, жумладан, ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, тарбиявий жараёнларни кучайтириш, мактаб муҳитида жиноятчиликнинг олдини олишнинг комплекс дастурларини жорий этиш каби чора-тадбирлар тавсия этилган. Хулоса сифатида, мактаб ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш давлат ва жамият учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Калит сўзлар: мактаб ўқувчилари жиноятчилиги, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, ювенал криминология, профилактика, ижтимоий-иқтисодий омиллар, оилавий муҳит, тарбия тизими, ҳуқуқий маданият, криминологик таҳлил, гуруҳий жиноятчилик, Пекин қоидалари, халқаро стандартлар, жиноятчилик динамикаси, жиноят сабаблари, тарбиявий жараёнлар, ҳуқуқий ислохотлар, Ўзбекистон қонунчилиги, болалар ҳуқуқлари, ижтимоийлашув, профилактика дастурлари.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КРИМИНОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ ШКОЛЬНИКАМИ**

А. Шермухамедов

соискатель самостоятельной научной степени

Университета общественной безопасности Республики Узбекистан

Аннотация. В статье проведён всесторонний криминологический и социально-правовой анализ преступности среди учащихся общеобразовательных учреждений в Узбекистане. Автор рассматривает особенности преступности несовершеннолетних в общей системе криминологии, выделяя специфические черты школьников: возрастные и психологические факторы, мотивацию и динамику. Отмечается, что несмотря на общее снижение уровня преступности среди подростков, преступность школьников остаётся актуальной проблемой. Основными причинами названы неблагоприятная семейная среда, слабая система воспитания, социально-экономические трудности, недостаток культурных и духовных навыков. С опорой на научные взгляды А.И.Осонцева, К.Д.Воронковой, Д.З.Зиядовой обоснована необходимость изучения преступности школьников как самостоятельного объекта ювенальной криминологии. Анализируются международные стандарты ООН («Пекинские правила») и возрастные правовые нормы узбекского законодательства. Предлагаются меры по совершенствованию профилактики: повышение правовой культуры учащихся, усиление воспитательных процессов, внедрение комплексных программ предупреждения преступности в школьной среде. Делается вывод о стратегической значимости борьбы с преступностью среди школьников для стабильности и безопасности общества.

Ключевые слова: преступность школьников, правонарушения несовершеннолетних, ювенальная криминология, профилактика, социально-экономические факторы, семейная среда, воспитательная система, правовая культура, криминологический анализ, групповая преступность, Пекинские правила, международные стандарты, динамика преступности, причины преступности, воспитательные процессы, правовые реформы, законодательство Узбекистана, права детей, социализация, профилактические программы.

**THEORETICAL ANALYSIS OF THE CRIMINOLOGICAL FEATURES OF CRIMES
COMMITTED BY SCHOOLCHILDREN**

A. Shermukhamedov,

Independent Researcher,

University of Public Security of the Republic of Uzbekistan

Annotation: *This article provides a comprehensive criminological and socio-legal analysis of juvenile delinquency among school students in Uzbekistan. The author examines the phenomenon within the general system of criminology, emphasizing the specific features of schoolchildren: age and psychological characteristics, motivation, and crime dynamics. Although the overall juvenile crime rate has decreased in recent years, school-related delinquency remains a pressing issue. The main causes are identified as negative family environment, weak educational and upbringing systems, socio-economic difficulties, and lack of cultural and moral development. Drawing on the works of A.I. Osontsev, K.D. Voronkova, and D.Z. Ziyadova, the article substantiates the necessity of studying school crime as an independent object of juvenile criminology. International standards, such as the UN "Beijing Rules," and age-related legal norms in Uzbek legislation are analyzed. The article proposes measures to improve prevention, including strengthening legal awareness among students, enhancing educational processes, and implementing comprehensive school-based crime prevention programs. The conclusion highlights the strategic importance of combating school crime for ensuring societal stability and security.*

Keywords: *school crime, juvenile delinquency, juvenile criminology, prevention, socio-economic factors, family environment, upbringing system, legal culture, criminological analysis, group crime, Beijing Rules, international standards, crime dynamics, causes of crime, educational processes, legal reforms, Uzbek legislation, children's rights, socialization, preventive programs.*

Мақтаб ўқувчилари ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ўзининг моҳияти, содир этилиш вақти, мотиви ва бошқа белгиларига кўра катта ёшдагилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан тубдан фарқ қилади. Хусусан, муайян ёш, руҳий ва бошқа ижобий ёки салбий хусусиятдаги гуруҳ ҳуқуқининг бундай ўзига хос хусусиятлари четга чиқиш бўлмай, балки вояга етмаганлар учун хос бўлган ҳулқий меъёр ҳисобланади[1].

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини қийнаётган глобал муаммолар қаторида мактаб ўқувчилари орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг содир бўлиши жуда кўп тилга олинмоқда. Сўнги статистик маълумотларга қараганда, ёшлар ўртасида жиноят содир этиш 2024 йил мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш эса 23 фоизга камайган[2]. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларига кўра, 2023 йилда вояга етмаганлар томонидан 3 421 та жиноят содир этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 51 фоизга ошган[3].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили 200 000 дан ортиқ қотиллик ҳодисаси 10-29 ёшдаги ёшлар орасида содир этилади[4]. Бу рақам глобал миқёсда мактаб ўқувчилари ва ёшлар жиноятчилиги муаммосининг нақадар жиддий эканлигини кўрсатади. БМТнинг Жиноятчиликнинг

олдини олиш ва жиноий одил судлов бўйича комиссияси маълумотларига кўра, дунёнинг кўплаб мамлакатларида вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчилик даражасининг 10-15 фоизини ташкил қилади[5].

Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятчилик нафақат мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида жиддий муаммо, балки келажакда Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига хавф бўлиб шаклланиши мумкин. Охириги йилларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг кўпайиши нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини, балки бутун жамиятни ташвишга солмоқда. Мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу ёш авлоднинг жиноий фаолиятига олиб келадиган шароитлар ва омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика чораларини такомиллаштириш, ҳуқуқий ва педагогик ёндашувларни илмий асосда ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу масала Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорлик ва хавфсизлик учун ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унга давлат ва жамият томонидан етарли эътибор қаратилмоғи зарур.

Таъкидлаш жоизки, криминологияда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчилик бўйича етарли даражада илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган. Вояга етмаганлар, хусусан, мактаб ўқувчилари жиноятчилиги криминология фанининг асосий тадқиқот объекти бўлган.

А.И.Осонцевнинг фикрича, вояга етмаганлар жиноятчилиги жамиятда юз бераётган салбий жараёнларнинг натижаси бўлиб, жамиятнинг ижтимоий фаровонлик даражасининг индикатори сифатида намоён бўлади. Бу икки ўзаро боғлиқ ҳодисанинг ривожланиши фақат инқироз ҳолатига эмас, балки жамиятнинг ўзига таҳдид солувчи хавфга ҳам олиб келиши мумкин[6].

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари (6-18 ёшда) демографик, ижтимоий-психологик ва жамиятдаги бир гуруҳ аҳолини ташкил этиб, улар ёш ва жамият муносабатларининг хусусияти билан белгиланадиган интенсив ижтимоий, психологик ва физиологик ривожланиш билан тавсифланади[7]. Шу боис, бу гуруҳнинг таълим-тарбиясига жамият томонидан алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Ўқувчиларнинг ижтимоий-психологик ҳолати жамиятнинг турли омиллари, жумладан, оиладаги, мактабдаги, атрофидаги-муҳит таъсири остида шаклланади. Айниқса, уларнинг руҳий ривожланиши учун мактабдаги ўқитувчилар, ҳамкасблари ва ота-оналар билан бўлган муносабатлар муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш давлатнинг ўзига хос ижтимоий фаолияти тури ҳисобланади. У огоҳлантириш фаолиятнинг усуллари, шакллари ва воситаларининг тизимини қамраб олиб, муҳим компонент сифатида ижтимоий фаолиятнинг кенгроқ соҳаси – жиноятларнинг олдини олиш соҳасига киради.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва уларнинг ижтимоийлашув жараёнига таъсири ёш авлоднинг жиноий хатти-ҳаракатларини шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда мактаблардаги тарбия ва таълим тизимлари, оилавий тарбиянинг заифлиги[8], шунингдек, ёшларнинг маданий ва маънавий кўникмаларини ривожлантиришдаги муаммолар, барча ижтимоийлашув моделларининг муваффақиятсизлигига олиб келмоқда. Бу эса ўқувчилар ўртасида жиноий хатти-ҳаракатларнинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

А.И.Бельский ва Э.Н.Лыковларнинг фикрича, мактаб ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик муаммоси ҳар доим ва барча мамлакатларда мавжуд бўлиб, давлат учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда[9]. Албатта, уларнинг фикрини асосли деб ҳисоблаш мумкин, чунки жамиятнинг ёш қисми ҳар қандай давлатнинг келажагини белгилайди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган аниқ йўллар, шакллар ва усуллар такомиллашиб бораётганлиги сир эмас. Давлат томонидан қабул қилинган қонунчиликдаги ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги оширилишига қаратилган. Шунга қарамасдан, мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси муаммолари ҳанузгача кўплаб ҳудудларда етарли даражада ҳал қилинмаётгани маълум. Айниқса, умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида жиноятчилик даражасининг ошиб бораётганлиги муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

К.Д.Воронкованинг таърифига кўра, “Вояга етмаганлар жиноятчилиги деганда, жиноят қонунида назарда тутилган, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган жамият учун хавfli ҳаракатлар тушунилади. Яъни, вояга етмаганлар жиноятчилиги деб муайян вақтда ва аниқ ҳудудда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар йиғиндиси тушунилади”[10]. Бу таъриф, асосан, жиноятчиликнинг ёшга доир хослигини намоён этади. Мактаб ўқувчилари жиноятчилиги жамият учун алоҳида хавф туғдиради, чунки бу ёшдаги шахслар ҳаётий тажриба ва ҳуқуқий билимларга етарлича эга бўлмаган ҳолда жиноят содир этадилар. Шунинг учун, жиноятчиликка қарши курашда мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва таълим-тарбия жараёнларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. К.Д.Воронкованинг ёндошуви жиноятларнинг ёш гуруҳларига хос хусусиятларини таҳлил қилишга, жиноятлар профилактикаси учун зарур механизмларни яратишга йўналтирилган комплекс чораларни ишлаб чиқишга имконият беради.

Н.Ф.Кузнецова ва В.В.Лунеевнинг таъкидлашича, профилактика чоратadbирларини амалга оширишда криминологик таҳлил ва прогнозда вояга етмаган аҳоли таркибида мактаб ўқувчилари, бошқа таълим муассасалари ўқувчилари,

ишлаётганлар, вақтинча ишсизлар ва ўқимайдиган ўсмирларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга[11].

Жинойатчиликнинг олдини олиш учун ишсиз ёшлар ва ўқимайдиган ўсмирларга алоҳида эътибор қаратиш керак, чунки улар ўзига хос ижтимоий хавф туғдиради. Шу билан бирга, мактаб ва таълим муассасаларидаги тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг таълим ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Илмий адабиётларда «вояга етмаганлар жиноятчилиги», «ўспиринлар ва ёшлар жиноятчилиги», «ювенал жиноятчилик», «мактаб ўқувчилари жиноятчилиги» каби атамалар учраб туради. Аксарият муаллифлар «мактаб ўқувчилари жиноятчилиги» тушунчасини белгилашда миллий қонунчиликка асосланишни лозим деб ҳисоблашади.

БМТ томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Кичик ёшдаги шахсларга нисбатан адолатни таъминлаш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)»га кўра, «Мактаб ўқувчилари жиноятчилиги бу – амалдаги ҳуқуқий тизим доирасида ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиладиган, аммо катталарга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик шаклидан фарқ қиладиган шаклда жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахсдир»[12]. БМТнинг Халқаро стандартига кўра, мактаб ўқувчиларининг эмоционал, маънавий ва интеллектуал камолотини инобатга олган ҳолда жиноий жавобгарлик ёшининг қуйи чегараси жуда паст даражада белгиланмаслиги лозим[12].

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ёшга боғлиқ турли ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиб, уларнинг тадбиқ этилиши кўп жиҳатдан муайян ҳуқуқий муносабатлар ва тармоқларига боғлиқ. Бу ёшга қараб белгиланган ҳуқуқий масъулият даражасидан ташқари, ёшлар қайси ҳуқуқий муносабатларга киришиши ва улар қайси қонун ҳужжатларида назарда тутилганига боғлиқ бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра (101-модда, 2-қисм), 7—14 ёшдаги болалар муайян ҳолларда мустақил равишда мол-мулк билан боғлиқ битимлар тузиш ҳуқуқига эга. Бироқ, меҳнат шартномасини фақат 16 ёшга тўлган ёшлар тузиши мумкин (меҳнат кодексига мувофиқ махсус шароитларда — 15 ёшдан, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда — 14 ёшдан). Жиноят кодексига эса жиноий жавобгарликнинг уч ёши белгиланган: 14, 16 ва 18 ёш.

Англия ва Уэлс қонунчилигига кўра, вояга етмаганар деб 10 ёшдан 21 ёшгача бўлган шахслар тан олинади. Шу билан бирга, "вояга етмаганлар жиноятчилиги" тушунчаси 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва 18 ёшдан 21 ёшгача бўлган ёшларни (шундай аталган "ёш катталар") қамраб олади[13].

Биз тадқиқ этаётган мавзу доирасидаги мактаб ўқувчиларининг ёш чегараси қонунчиликка кўра 7-18 ёшни (1-11 синф ўқувчилари) қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, кримнологик тадқиқ объекти сифатида вояга етмаганларнинг ёш чегарасини 3 та даражага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: 14-15, 15-16 ва 17-18 ёш.

Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликни мустақил криминологик тадқиқ қилиш зарурати бир қатор муҳим омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бу ижтимоий гуруҳга мансуб шахслар жиноятчилигига хос хусусиятлар, унинг ҳолати, тузилиши ва динамикаси ўзининг специфик хусусиятларига эга. Ушбу жиноятлар кўпинча ўсмирларнинг ижтимоий, психологик ва физиологик ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг махсус ёшга хос муаммолар ва ижтимоий муносабатлар ичидаги ҳолатини ҳисобга олишни талаб қилади. Шунингдек, мазкур ижтимоий гуруҳда жиноятларнинг содир этилиши кўпинча жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан тезроқ ва ўзига хос тарзда реакция қилади.

Иккинчидан, ўсмирлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг тузилиши ва мотивациясига хос хусусиятлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Улар асосан тарбия, оилавий муҳит ва ижтимоий муҳитнинг таъсири остида шаклланади. Шу боис, бу ёш гуруҳидаги шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва мотивлари уларнинг тарбиясидаги ўзига хосликлар, ижтимоий гуруҳлар ичидаги алоқалар ва шахсий психологик хусусиятлар билан бевосита боғлиқ.

Учинчидан, ўсиб келаётган авлоднинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифалари жамият ва давлат учун катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан, болалар ва ўсмирларни ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш муҳимдир, бу эса давлат органлари ва жамиятнинг бутунлай фаолият йўналиши сифатида қаралади. Давлат сиёсати жиноятчиликнинг олдини олиш ва мактаб ўқувчиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда стратегик ёндошувни талаб қилади.

Тўртинчидан, умумтаълим муассасалари ўқувчилари жиноятчилиги ҳолати, тенденциялари ва генезисини, жиноятчи шахсини ўрганиш аҳамиятлидир. Бу ёш гуруҳидаги шахслар жиноятчиликка қандай омили таъсир кўрсатиши, уларнинг шахсий ва ижтимоий психологик хусусиятлари қандай роли борлигини аниқлаш ва шу асосда самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш зарур. Бу каби тадқиқотлар нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш, балки ушбу ёшдаги шахсларнинг ижтимоийлашуви ва ривожланиши учун ҳам муҳимдир.

Мактаб ўқувчилари жиноятчилиги учун хос бўлган асосий хусусиятлардан яна бири — бу унинг гуруҳий шаклда содир этилиши ҳисобланади. Л.М.Прозументов томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 10–11-синф ўқувчиларининг тахминан 48 фоизи жанжалларда (безориликда) иштирок этиш тажрибасига эга бўлган, шахсга қарши содир этилган жиноятларнинг қарийб 70 фоизи гуруҳ бўлиб амалга оширилган[14].

Н.П.Мелешконинг тадқиқот маълумотларига кўра эса, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган ўсмирларнинг 93% жиноят содир этгунга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлар[15]. Бу эса, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликни мустақил феномен сифатида ҳар томонлама таҳлил

қилиш заруриятини ва унинг олдини олиш бўйича ўзига хос чораларни ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этади.

И.Г.Булатов мактаб ўқувчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини қуйидагича асослайди “жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган болалар томонидан содир этиладиган ижтимоий хавфли ҳаракатлар сони ва уларнинг жамиятга таъсири жиҳатидан жиноий жавобгарлик ёшига етган мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар билан "рақобатлашмоқда"[16], яъни, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган болалар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракатлар ҳам жамият учун жиддий таҳдид солмоқда. Улар кўпинча уюшган ҳолда ва жиноий гуруҳларга йўл қўйиб бериши мумкин бўлган омиллар сифатида намоён бўлади, бу эса жамиятда жиноятчиликнинг ўсишига олиб келиши мумкин. Шу боис, бундай ҳаракатларга нисбатан қатъий чоралар кўриш ва уларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

БМТ томонидан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Кичик ёшдаги шахсларга нисбатан адолатни таъминлаш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари)”да “Давлатлар аъзолари ёшлар жамиятда мазмунли ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароит яратишга интилишлари лозим, бу ҳаёт давомида, айниқса, улар нотўғри хатти-ҳаракатларга мойил бўлган пайтларда, шахс ривожланиши ва таълим олиши жараёнини, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятидан эркин бўлишини максимал даражада таъминлаши керак”[12] лиги мустаҳкамланган.

Шу нуқтаи назардан, мактаб ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали услублари ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ўта муҳимдир. Бунда илмий тадқиқотлар ва амалий тажрибаларга асосланган янги ҳақиқатлар зарур. Бу усуллар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсати ва ижтимоий дастурларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Мактаблар болалар ва ёшларни тарбиялаш ва уларни жиноятчиликдан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутаяди. Мактаблар ўқувчиларга ҳуқуқий таълим бериш, уларни ҳуқуқий маданият ва жиноятчиликдан ҳимоя қилиш бўйича фаолият юритади.

Д.З.Зиядова умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик хусусиятларини қуйидаги параметрлар бўйича кўриб чиқади:

1. Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик жиноятчиликнинг умумий тизими таркибий қисми, унинг бир қисми, бир тури сифатида барча унга хос бўлган типик ва характерли хусусиятлар билан намоён бўлади. Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик жиноятчиликнинг умумий тури бўлган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилотчилик омилларга нисбатан энг сезгир бўлиб, уларга нисбатан юқори таъсирчанликка эга.

2. Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик мустақил, ўзига хос ҳодиса сифатида намоён бўлиб, уни нисбатан мустақил тизим сифатида ўрганишни талаб қилади. Бу ёндашув криминологияда янги йўналиш - ювенал криминологияни белгилашга имкон беради.

3. Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчиликни комплекс криминологик муаммо сифатида ўрганишда унинг тузилмасининг алоҳида элементларини - қиз болалар ўртасидаги жиноятчилик, гуруҳий, рецидив жиноятчилик каби турларини ўрганиш лозим. Бу ўқувчилар томонидан содир этилган айрим турдаги жиноятлар ва гуруҳларнинг ўзига хослигини аниқлашга ва, шу сабабли, уларнинг ўзига хос сабаб ва шартларини ҳисобга олган ҳолда профилактик ишларни янада мақсадли ташкил қилишга имкон беради.

4. Умумтаълим муассасаларидаги жиноятчилик жамиятда содир бўлаётган салбий жараёнлар натижасидир. У жамиятдаги умумий аҳволнинг пастиги кўрсаткичи ҳисобланади.

5. Жиноятчиликка хос салбий омиллар ва ҳодисалар таъсири остида бўлиб, умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасидаги жиноятчилик ўзининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хосликлар жамият, оила, мактабгача таълим муассасаси, мактаб ёки бошқа таълим муассасалари, махсус тарбия муассасалари каби ижтимоий иерархиянинг турли босқичларидаги сабаб-оқибат комплексининг намоён бўлишини ва ҳуқуқбузар шахснинг шаклланиш шарт-шароитларини очиқ беради.

6. Мактаб муҳитида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини этнополитик ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шакллантириш муҳимдир.

7. Умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш вазифаларини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнидаги муваффақият профилактик чоралар қанчалик дифференцирланган ва профилактика субъектлари уларга таъсир этиши керак бўлган шахсларнинг хусусиятларини қай даражада ҳисобга олганига бевосита боғлиқ[7].

Албатта, Д.З.Зиядованинг ўқувчилар ўртасидаги жиноятчиликни мустақил ҳодиса сифатида ўрганиш заруратига оид фикри ювенал криминологияни ривожлантириш учун муҳимдир. Бироқ, фикримизча, жиноятчиликнинг умумий тизими билан боғлиқликни инкор этиш ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни тўлиқ тушунишга тўсқинлик қилиши мумкин. Жиноятчиликни тўғри таҳлил қилиш учун уни мустақил ўрганиш билан бирга, унинг ижтимоий тизимдаги ўрни ва бошқа омиллар билан боғлиқлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу, ўз навбатида, самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бизнингча, мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқбузарликлар ҳолати, тузилиши ва динамикасини ўрганишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

□ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар статистик ҳисоботи, болалар масалалари бўйича комиссияси материаллари, мактаб ўқувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий

реабилитация марказлари, мактаб ўқувчилари ҳуқуқбузарларни тарбиялаш бўйича махсус мактаблар тажрибасини таҳлил қилиш;

☒мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган барча жиноятларнинг асл маълумотлари ва умумий қонуниятларини қўллаш ва улар орқали умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик хусусиятларини кузатиш;

☒мактаб ўқувчилари, профессионал ўқув юртлари, лицейлар ўқувчилари; норасмий ёшлар гуруҳлари аъзолари; ўқитувчилар, педагоглар, тарбиячилар, иив ва прокуратура тузилмалари ходимлари, ижтимоий хизматлар, ота-оналар ёки уларни алмаштирувчи шахслар ўртасида анкета сўровлари ва интервьюларни ташкил этиш ва натижаларини таҳлил қилиш;

☒умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ҳолати ва унга қарши кураш чоралари бўйича жамоатчилик фикрини кузатиш ва ўрганиш; умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ҳолатининг ўзгариши бўйича прогнозлар тузиш;

☒умумтаълим муассасаларида тарбиявий ва меҳнат фаолиятини ташкил этишнинг янги шакллари орқали ўқувчиларда ҳуқуқий онг ва ахлоқий тарбияни шакллантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш;

☒умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчиликни профилактика қилиш бўйича комплекс ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

☒умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноий кўрсаткичлар ва тенденцияларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

☒мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга ҳамроҳ бўлган криминоген ижтимоий жараёнларнинг умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчиликнинг миқёси, тузилиши ва динамикасига таъсирини кўриб чиқиш;

☒мактаб ёшидаги шахсларнинг ҳаёт ва тарбия шароитларини ўрганиш, уларнинг асоциал шахсга айланишига сабаб бўлган омилларни таҳлил қилиш;

☒умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси учун ижтимоий-педагогик шароитлар ва психологик муҳитни яхшилашнинг энг самарали усулларини криминологик жиҳатдан аниқлаш;

☒таълим муассасаларининг тарбиявий-профилактик ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва ўқувчиларнинг жиноят содир этишга қадар ва жиноий ҳулқ-атвори профилактикасини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

☒ўқувчиларнинг жиноий ҳулқ-атворини олдини олиш чоралар тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

1. <https://referat.uz/drugie/tekst-lekciy/13874-13874.html>
2. Ғайзуллаев Д.О. Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазиҒасидир! // Central Asian Journal of Multidisciplinary research and management studies. Volume 1, Issue 1, February 2024. Page 117-123
3. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ахборот таҳлилий маълумотлари.
4. World Health Organization. "Youth violence". 2020 - <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/youth-violence>
5. United Nations Office on Drugs and Crime. "Global Study on Homicide". 2019 - <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/global-study-on-homicide.html>
6. Осынцев А.И. Криминологическое обеспечение профилактики преступности несовершеннолетних // Дис.канд.юрид.наук. – Краснодар 2000. С.194. <https://www.dissercat.com/content/kriminologicheskoe-obespechenie-profilaktiki-prestupnosti-nesovershennoletnikh>
7. Зиядова Д.З. Теоретические и прикладные проблемы преступности среди учащихся общеобразовательных учреждений: региональный аспект. // Дис.док.юрид.наук. – Москва – 2006. С.464
8. Назаров Б. "Жиноятчиликка қарши курашда ижтимоийлашув институтининг роли". Тошкент: Ған. – 2023.
9. Бельский А.И., Лыков Э.Н. Молодежная преступность: проблемы и пути решения // Право: история и современность. 2020. № 3(12). С.84–91.
10. Воронкова, К. Д. Выявление и анализ причин и условий, способствующих совершению преступлений несовершеннолетними, принятие мер по их устранению / К. Д. Воронкова, А. И. Суханова, А. И. Шаньгина. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2021. — № 52 (394). — С. 91-96. — URL: <https://moluch.ru/archive/394/87263/> (дата обращения: 26.09.2024).
11. Криминология: Учебник / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, В.В. Лунеева. - М., 2004. - С.260.
12. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы (un.org)
13. Ведерникова О.Н. Теория и практика борьбы с преступностью в Великобритании. М., 2001. С. 209.
14. Прокументов, Л. М. О показателях, характеризующих преступность несовершеннолетних в Российской Федерации / Л. М. Прокументов // Вестник Томского госуниверситета. Право. — 2016. — № 2 (20). — С. 48–53.
15. Мелешко Н.П. Предпреступное поведение несовершеннолетних как криминологическая проблема. - Ростов-на-Дону, 1998. - С. 15.

16. Булатов И.Г. Криминологический анализ преступности несовершеннолетних: По материалам Республики Дагестан // Дис.канд.юрид.наук. – Махачкала - 2001. С.189 // <https://www.dissercat.com/content/kriminologicheskii-analiz-prestupnosti-nesovershennoletnikh-po-materialam-respubliki-dagesta>